

**ЮРИДИК ЖАВОБГАРЛИКНИНГ НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ,  
БЕЛГИЛАРИ ВА МАҚСАДЛАРИ**

**Қаюмов Зоир Эргашевич**  
*ТДЮУ мустақил изланувчиси*

**Аннотация:** Мақолада Юридик жавобгарликнинг назарий-методологик асослари, белгилари ва мақсадлари таҳлил этилган. Муаллиф томонидан ҳуқуқ тизими ва унда жиноят ва жазо масалалари билан бирга юридик жавобгарлик масаласига эътибор қаратилган. Ҳуқуқ тизими халқаро стандартлар асосида либераллаштирилиб, унда суд-ҳуқуқи соҳасини, хусусан юридик жавобгарликдан озод қилиш тизимини ривожлантириш бугунги куннинг долзарб муаммоси бўлиб, жаҳон тажрибасида ҳам кенг тадқиқ этилаётган мавзу бўлиб, муаллиф ана шу долзарбликни ўрганган.

**Калит сўзлар:** ҳуқуқ, ҳуқуқ тизими халқаро, стандартлар, либераллаштириш, суд-ҳуқуқ, соҳа, юридик, жавобгарлик.

**ТЕОРЕТИКО-МЕТОДОЛОГИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ, ПРИЗНАКИ: ЦЕЛИ И  
ЗАДАЧИ ЮРИДИЧЕСКОЙ ОТВЕТСТВЕННОСТИ**

**Каюмов Зоир Эргашевич**  
*независимый соискатель ТГЮУ*

**Аннотация:** В статье анализируются теоретические и методологические основы, признаки и цели юридической ответственности. Автор рассматривает систему права и проблему юридической ответственности в ней, а также вопросы преступления и наказания. Система регистрации была либерализована на основе международных стандартов, в соответствии с которыми развитие судебной сферы, в частности системы освобождения от юридической ответственности, является актуальной проблемой сегодняшнего дня, а также широко изучаемой темой в мировом опыте, и автор изучил эту актуальность.

**Ключевые слова:** право, международная, правовая система, стандарты, либерализация, судебно-правовая сфера, юридическая ответственность.

**THEORETICAL AND METHODOLOGICAL FOUNDATIONS, SIGNS: GOALS AND  
OBJECTIVES OF LEGAL RESPONSIBILITY**

**Kayumov Zokir Ergashevich**  
*independent candidate of TSUI*

**Annotation:** The article analyzes the theoretical and methodological foundations, signs and objectives of legal responsibility. The author examines the legal system and the

*problem of legal responsibility in it, as well as issues of crime and punishment. The registration system has been liberalized on the basis of international standards, according to which the development of the judicial sphere, in particular the system of exemption from legal liability, is an urgent problem of today, as well as a widely studied topic in the world experience, and the author has studied this relevance.*

**Keywords:** *law, international, legal system, standards, liberalization, judicial and legal sphere, legal responsibility*

Янги Ўзбекистонда Давлат Раҳбари Ш.М.Мирзиёев бошчилигида барча йўналиш ва соҳаларда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш тизимининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, Янги Ўзбекистонни барпо этиш – бу шунчаки хоҳиш-истак, субъектив ҳодиса эмас, балки туб тарихий асосларга эга бўлган, мамлакатимиздаги мавжуд сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий вазиятнинг ўзи тақозо этаётган, халқимизнинг асрий интилишларига мос, унинг миллий манфаатларига тўла жавоб берадиган объектив заруратдир. Янги Ўзбекистон – демократия, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари борасида умумэътироф этилган норма ва принципларга қатъий амал қилган ҳолда, жаҳон ҳамжамияти билан дўстона ҳамкорлик тамойиллари асосида ривожланидиган, пировард мақсади халқимиз учун эркин, обод ва фаровон ҳаёт яратиб беришдан иборат бўлган давлатдир.<sup>16</sup>

Мазкур жараёнларда ҳуқуқ тизими халқаро стандартлар асосида либераллаштирилиб, унда суд-ҳуқуқи соҳасини, хусусан юридик жавобгарликдан озод қилиш тизимини ривожлантириш устувор этиб белгиланган.

Бугуни кунда юридик жавобгарликдан озод қилиш масаласи халқаро ҳамжамият учун ҳам долзарб ҳисобланиб, унинг келиб чиқиш сабаблари ва ривожланиш тенденцияларига давлатлар ва халқаро ташкилотлар томонидан алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айрим халқаро ташкилотларнинг маълумотига кўра 2023 йилда дунё бўйлаб камида 183 та минтақавий можаролар рўй бериб, бу сўнгги 30 йилдаги энг юқори кўрсаткични ташкил этди.<sup>17</sup> БМТнинг маълумотларига кўра, барча минтақаларда жиноий жавобгарлик билан боғлиқ тенденциялар кенгайиб бормоқда, хусусан коррупция билан боғлиқ жиноятлар ҳам. Ҳозирда коррупциянинг дунё миқёсидаги зарари 3 триллион АҚШ долларига яқин миқдорни ташкил қилмоқда.<sup>18</sup> Тадқиқотчиларнинг

<sup>16</sup> Янги Ўзбекистон демократик ўзгаришлар, кенг имкониятлар ва амалий ишлар мамлакатига айланмоқда 17.08.2021. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Янги Ўзбекистон” газетаси бош муҳаррири Салим Дониёровнинг саволларига жавоблари. <https://president.uz/uz/lists/view/4547>

<sup>17</sup> Исследование: в 2023 году в мире произошло 183 региональных конфликта. 11.12.2023.

<https://realnoevremya.ru/news/298000-v-2023-godu-vo-vsem-mire-proizoshlo-183-regionalnyh-konflikta>

<sup>18</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Коррупцияга қарши курашиш соҳасида юксак халқаро мукофотни топишириш маросимидаги нутқи. 19.12.2023. <https://president.uz/uz/lists/view/6934>.

маълумотларига кўра, биргина 2021 йилда дунё бўйича 4,3 миллиондан ортиқ шахс жиноят содир этишда айбланган бўлиб, бу кўрсаткич 2019 йилга қараганда 26 % га ошган.<sup>19</sup>

Шу нуқтаи-назардан дунёнинг кўплаб давлатлари ва қатор халқаро ташкилотлар томонидан инсон ҳуқуқларини ҳар томонлама таъминлаш, қонунчилик тизимни такомиллаштириш, жиноят ва ҳуқуқбузарликларни олдини олиш ва бартараф этиш, шунингдек, ҳуқуқ тизимини либераллаштириш жараёнларида юридик жавобгарлик ва ундан озод қилиш институтининг ташкилий ва ҳуқуқий асосларини ривожлантириш юзасидан амалий чоралар кўрилмақда.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда тимизли ислоҳотлар дирасида давлат ва жамият қурилиши, иқтисодий эркинлаштириш, хусусий мулк дахлсизлигини, тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга қаратилган муҳим дастурлар изчил амалга оширилиб, инсон ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган кенг ислоҳотлар амалга оширилди.

Мазкур ислоҳотлар давомийлигини таъминлаш, жамият тараққиётини янги босқичга олиб чиқиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60 сонли «Ўзбекистон — 2030» стратегияси тўғрисида Фармони қабул қилинди.

Суд-ҳуқуқ тизимини такомиллаштириш, қонун устуворлигини ҳар томонлама таъминлаш ва инсон ҳуқуқлари тизимини халқаро стандартлар асосида ривожлантириш борасида тизимли ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Бу борада охириги икки йилда ҳуқуқ-тартибот фаолиятига оид 10 та қонун, Президентнинг 40 га яқин фармон ва қарорлари, 60 дан ортиқ ҳукумат қарорлари қабул қилинди.<sup>20</sup> Қонун устуворлигини таъминлаш Янги Ўзбекистон тараққиётининг бош тамойилларидан бири этиб белгиланди.<sup>21</sup>

2023 йил 30 апрелда умумхалқ овоз бериш орқали қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг янги таҳририга барча йўналишлар бўйича киритилган ўзгаришлар сингари, жиноят содир этишда гумон билан ушланган шахс ҳуқуқларининг асосий кафолати (“Миранда қоидаси”), фуқаро суднинг қарорига қадар кўпи билан 48 соатдан ортиқ ушлаб турилиши мумкин эмаслиги (“Хабеас корпус” институти) ҳамда ўлим жазоси тақиқланиши каби нормалар акс эттирилиб, конституция даражасида мустаҳкамланди.

Ушбу амалиётнинг мамлакатда муваффақиятли жорий этилишини суд органлари томонидан оқлов ҳукмлари чиқариш ҳолатларини йилдан йилга кўпайиш динамикаси билан таҳлил қилиш мумкин. Хусусан 2007–2015 йиллар давомида судлар томонидан 688 354 нафар шахсга нисбатан 498 730 та жиноят

<sup>19</sup> М.Акрамова. жиноий жавобгарликдан озод қилишнинг махсус асослари. 12.00.08 – жиноят ҳуқуқи. криминология. жиноят-ижроия ҳуқуқи. юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (phd) диссертацияси автореферати. Тошкент – 2022

<sup>20</sup> Президент: Мақсадимиз – адолат ва қонун устуворлигини таъминлаш орқали халқимизни рози қилиш. 28.07.2023. <https://president.uz/uz/lists/view/6519>

<sup>21</sup> Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хорижий инвесторлар кенгашининг биринчи ялпи мажлисидаги нутқи. 16.11.2022. <https://president.uz/uz/lists/view/5702>

иши кўриб чиқилиб, 110 нафар шахс оқланган бўлса, 2016–2022 йиллар давомида 418 992 нафар шахсга нисбатан 322 531 та жиноят иши кўриб чиқилиб, шундан 4 764 нафар шахс оқланган.<sup>22</sup>

Шу ўринда Конституция тўғридан-тўғри ишлайдиган ҳужжат бўлиши, яъни унинг нормаларини судларда тўғридан-тўғри қўллаш амалиётини йўлга қўйиш мақсадида, бу масала юзасидан Олий суд Пленумининг қарори қабул қилинди.<sup>23</sup> Қарорга кўра, Конституциянинг олий юридик кучга эгаллиги ҳақидаги қоида унинг нормалари барча қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан устун туришини англатади. Шунга кўра, судлар кўриб чиқилаётган ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи қонун ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг мазмунини баҳолаши ва Конституция нормаларини тўғридан-тўғри амал қилувчи олий юридик кучга эга норматив-ҳуқуқий асос сифатида қўллаши лозимлиги қайд этилди.<sup>24</sup>

Конституциясида ижтимоий давлат қуриш стратегик мақсад қилиб белгиланди ҳамда ижтимоий адолат ва бирдамлик принциплари жорий этилди, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг мутлақо янги механизмларини назарда тутувчи конституциявий асослар мустаҳкамланди.<sup>25</sup>

Конституциянинг 29-моддасига асосан жиноят учун ҳукм қилинган ҳар ким қонунда белгиланган тартибда ҳукмнинг юқори турувчи суд томонидан қайта кўриб чиқилиши ҳуқуқига, шунингдек афв этиш ёки жазони енгиллаштириш тўғрисида илтимос қилиш ҳуқуқига эга. Ҳуқуқбузарликлардан жабрланганларнинг ҳуқуқлари қонун билан муҳофаза қилинади. Давлат жабрланганларга ҳимояланишни ва одил судловдан фойдаланишни таъминлайди, уларга етказилган зарарнинг ўрни қопланиши учун шарт-шароитлар яратади.<sup>26</sup> Конституциянинг мазкур моддаси асосида жазони ўтаётган ёки ўтаб бўлган шахсларнинг афв этишга бўлган ҳуқуқи конституциявий даражада мустаҳкамланди.

Афв этиш билан фуқаро жазодан тўлиқ ёки қисман озод этилиши ёки суд томонидан тайинланган жазони бошқа енгилроқ жазо билан алмаштирилиши ёки судланганлик олиб ташланиши мумкин. Ушбу амалиёт Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ҳамда хориж мамлакатлари фуқаролигига ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга нисбатан ҳам қўлланилилади.

Жиноят қилган инсонни жазолашдан мақсад – уни қайта тарбиялаш, хатоларини англаб етишига эришиш. Шунинг учун жиноятга адашганидан қўл урган шахсларни жамият олдидаги айбини ювиш имкониятини бериш ва оила бағрига қайтариш муҳим ҳисобланади. Охириги йилларда қўлланилган маҳкумларни афв этиш ва қайта ижтимоийлаштириш сиёсати амалда ўзининг

<sup>22</sup> Ф.Примов. «Хабеас корпус» институти: инсон ҳуқуқларини кафолатли ҳимоя қилишда муҳим ўрин тутди 17.06.2023. <https://xabar.uz/huquq/xabeas-korpus-instituti-inson-huquqlarini>

<sup>23</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қарори, 23.06.2023 йилдаги 16-сон. <https://lex.uz/docs/6523654>

<sup>24</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қарори, 23.06.2023 йилдаги 16-сон. <https://lex.uz/docs/6523654>

<sup>25</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясини амалга ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисидаги Фармони. 08.05.2023 йилдаги ПФ-67-сон

<sup>26</sup> Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. <https://lex.uz/docs/6445145>

ижобий натижаларини бермоқда. 2017 йилдан бери Президент томонидан авф этиш тўғрисидаги 22 Фармони қабул қилинган бўлиб, мазкур ҳужжатлар 6 мингдан ортиқ шахслар тақдирига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатган.<sup>27</sup>

Суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотларда юридик жавобгарликдан озод қилиш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Конституция қабул қилинганининг 31 йиллиги муносабати билан байрам табригидаги нутқида суд-ҳуқуқ ислоҳотлари янги конституциявий маконга уйғунлаштирилиши, бу жараёнда суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга йўналтириш устувор вазифа бўлиб ҳисобланишини таъкидланган эди.<sup>28</sup>

Шу нуқтаи-назардан мавзунинг долзарблиги қуйидагилар билан боғлиқ.

Биринчидан, юридик жавобгарликдан озод этиш институтининг ҳуқуқий табиатини тадқиқ этиш, унинг ташкилий-ҳуқуқий асосларни такомиллаштириш ва бу борадаги қонунчиликни халқаро стандартларга мослаштириш долзарб аҳамиятга эга.

Иккинчидан, юридик жавобгарлик институти фаолиятига таъсир қиладиган ички ва ташқи омилларни таҳлил қилиш ва миллий қонунчиликда маъмурий, иқтисодий, молиявий, фуқаровий ва жиноий жавобгарликдан озод қилиш институтини такомиллаштириш юзасидан таклиф ва хулосалар ишлаб чиқиш.

Учинчидан, юридик жавобгарлик кўп қиррали ҳуқуқий ҳодиса сифатида ҳуқуқий тартибга солишнинг самарали элементларидан бири ҳисобланади. Сўнгги ўн йилликларда бутун дунёда жиноятчилик билан боғлиқ вазият сезиларли даражада мураккаблашди. Бироқ, фақат салбий юридик жавобгарлик чоралари жиноятчиликка қарши кураш муаммосини ҳал қила олмаслиги тарихан исботланган. Давлатимизнинг замонавий ҳуқуқий сиёсати кўпроқ ижобий ҳуқуқий жавобгарликни кучайтириш, қонунга итоаткор ва қонунни ҳурмат қиладиган шахсни тарбиялаш, ҳуқуқий нигилизмни бартараф этишга қаратилиши керак. Ижобий ҳуқуқий жавобгарликнинг долзарблиги, шунингдек, ҳуқуқий тартибга солиш соҳасида содир бўлаётган туб ўзгаришлар ва жараёнлар бизни ҳуқуқий жавобгарлик билан боғлиқ кўплаб асосий назарий қоидаларни қайта кўриб чиқишга мажбур қилиши билан изоҳланади.

Тўртинчидан, юридик фанда позитив юридик жавобгарлик тушунчаси, моҳияти, мазмуни, асослари, тамойиллари, вазифалари ҳақида умумий фикр мавжуд эмас. Бу масалаларни назарий жиҳатдан тўғри ҳал этиш кўп жиҳатдан қонун чиқарувчи, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган фаолияти ва фуқароларнинг хулқ-атворини белгилайди. Бундан ташқари, бугунги кунда ижобий ҳуқуқий жавобгарлик муаммоси умуминсоний қадриятларнинг ўрнатилиши, ҳуқуқий

<sup>27</sup> Авф этиш жамият учун фойда келтиради. 17.04.2023. <https://zamon.uz/uz-to/detail/afv-etish-jamiyat-uchun-foйда-keltiradi-ozbekiston>

<sup>28</sup> Ш.Мирзиёев. Ўзбекистон халқига байрам табриги. 07.12.2023. <https://president.uz/uz/lists/view/6917>

давлат қурилиши ва фуқаролик жамиятининг шаклланиши муносабати билан устувор аҳамият касб этмоқда.